

АМИР ТЕМУРНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

XV аср ўрталарида Ўрта Осиё буюк темурийлар империясига асос солган, жахон тарихига буюк харбий саркарда мохир ва истеъдодли давлат арбоби сифатида кириб келган, Шарқда «Буюк Жахонгир», Ғарбда эса Тамурланг номи билан машхур бўлган Амир Темур Кўрагоний (1336-1405 йй.)нинг хаёти, ижтимоий сиёсий фаолияти зафарлик харбий юришлари, унинг маданий, сиёсий, ахлоқий қарашлари хақида кўп асрлар мобайнида жахоннинг жуда кўплаб олимлари томонидан унлаб асарлар яратилгандир. Ана шундай илмий-тарихий асарлар орасида сохибқирон (Амир Темур)нинг араб тирихчиси ибн Арабшоҳ, Испаниянинг Темур саройидаги элчиси Рюи Гонсапес де Клавихо, Захириддин Мухаммад Бобур, венгер шарқшуноси Херман Вамберк, рус олимлари - В.Бартольд, А.А.Семёнов, француз тарихчи-олимлари - Ду Сажксёе. Л.Лянгле, немис олимлари — Г.Вебер, Ф.Шлоссер ва бошқа ўнлаб тадқиқотчиларнинг қатор асарларини кўрсатиш мумкин.

Айниқса, машхур ўзбек олими, академик Иброхим Мўминовнинг Амир Темур салтанати тарихи, унинг шахсий, хаёти ва фаолиятига бағишланган асарлари ғоят катта ахамиятга эгадир. Мустабид тузум кутириб, маъмурий буйрукбозлик, марказнинг яқка хоқимлиги авж олиб, ўзбек халқи тарихи очикдан-очик сохталаштирилаётган, миллий ва маънавий қадриятлар, унинг буюк сиймолари тахқирланаётган, тарихий ҳақиқатни айтиш учун интилаётганлар эса қувғин қилинаётган бир шароитда «қонхўр Темур» хақида холисона ижобий фикр айтиш чинакам илмий матонат ва том маънодаги қахрамонлик зди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқейни муносиб ўринга қўйиш имконидан махрум зди.

Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унитишга махкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди.

Лекин ўзбек халқи аждодларини, ўз баходирларини унутмади хамиша юрагида, қалб тўрида сақлади». (И. А. Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., 1994 й. 91-бет..).

Шунинг учун ҳам Иброхим Мўминовнинг 1968 йили нашр этилган “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” асари ўша вақтдаёқ, барча ўзбек зиёлилари ва хурфикрли олимларнинг хурмат ва тахсинига сазовор бўлган эди.

Академик И. Мўминов Ўзбекистондги барча илмий-фалсафий йўналишларнинг бошида турди ва айни вақтда Амир Темур ва темурийлар даврини илмий ўрганишда янги босқични бошлаб берди. Биз шу ўринда академиклар - Иброхим Мўминов ва Бўриной Ахмедов тадқиқотларига таяниб, XIV асрнинг энг

нодир ёдгорликларидан бири бўлган «Темур тузуклари»да баён этилганижтимоий-сиёсий қарашлар тўғрисида фикр юритамиз.

“Тузуки Темурий” (“Темур тузуклари”), “Малфузоти Темурий” (“Темурнинг айтганлари”), -<Воқиоти Темурий” (“Темурнинг бошидан кечирганлари”) номлари билан шуҳрат қозонган мазкур асар Амир Темурнинг хаёти, сиёсий фаолияти ва қарашларини ўрганишда муҳим тарихий-илмий манба ҳисобланади. Асар кўп асрлар давомида чет мамлакатларда қайта-қайта нашр этилган. Асарнинг ёзилиш тарихи ва нашр этилиши ҳақида турлича қарашлар, фикр ва мулоҳазалар пайдо бўлган. Бироқ шунга қарамай, бу тарихий асар И. Мўминов ва Б. Аҳмедов таъкидлаганларидек, сохта эмас, балки оригинал ва ҳаққоний асар, ишончли илмий манбадир.

«Темур тузуклари» икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида жаҳонга машҳур соҳибқирон, саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида шуҳрат қозонган. Мағрибдан Машриққача маълум ва машҳур бўлган Амир Темурнинг етти ёши (1342 йил) дан то вафотигача (1405 йил 18 феврал) бўлган даврдаги хаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда жуда катта ҳудудга эга бўлган кучли марказлашган давлатни барпо этиши ва унинг харбий юришлари ихчам ва содда тилда баён этилган.

Иккинчи қисм кўпроқ, давлат тузилиши, уни бошқариш, одоб-ахлоқ, масалаларида тахт ворисларига бағишланган ўзига хос васият ва панду насихатлардан иборатдир. Асарда давлатни бошқаршда кимларга таяниш лозимлиги, тож-тахт згаларининг одатлари, одоб-ахлоқи ва вазифалари, вазир ва харбий қўмондонларни сайлаш давлат бошлиғининг вазирлар ва бошқа давлат арбобларига муносабати, сипоҳиларнинг маоши, мамлакатни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг давлат олдидаги хизматларини тақдирлаш тартиби, авом халққа нисбатан муносабат ва бошқалар хусусида сўз юритилади.

«Темур тузуклари» бевосита Амир Темурнинг шахси билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам унда баён этилган ижтимоий сиёсий қарашларни баён этишдан илгари машҳур олимлар ва файласуфларнинг буюк соҳибқирон ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари устида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳонгир Амир Темурнинг шахси унинг ички ва ташқи сиёсати, харбий юришлари, турмуш тарзи, одоб-ахлоқи одатлари, ақлий қобилиятлари ҳақида хорижий мамлакатлар олимлари томонидан жуда кўплаб асарлар-яратилган. Бу ғоят мураккаб ва айни вақтда ниҳоятда қизиқарли мавзу бўлиб, жаҳоннинг жуда кўплаб мутафаккирлари, олим ва сиёсий арбоблари унга алоҳида қизиқиш билан қараганлар. Турли даврларда яратилган купшаб илмий ва тарихий асарларда Амир Темурнинг шахсига ва сиёсий фаолиятига турлича баҳолар берилган.

1) Ўрта Осиё рус мустамлакачилик сиёсатини зўр бериб тарғиб этган бир гуруҳ тарихчилар Амир Темурни зўр бериб таҳқирлашга, унинг тарихдаги ўрин ва ролини камситишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг даъвосига кўра Темур золим ва қонхўр бўлиб, одамларнинг калла суякларидан Миср эҳромлари каби юксак миноралар тиклаган босқинчи ва жаллод эмиш! Темурдан фақат вайроналик ва мазлумларнинг оху фарёди колган эмиш! Темурийлар даври тарихини ҳасадгўйлик ва риёкорлик билан сохталаштириш, Ўрта Осиё халқлари тарихини қора бўёқларга бўяш совет хокимияти йилларида севимли машғулотга айланди ва бу мунофиқлик яқин-яқинларгача давом этди. Узок, йиллар мобайнида Ўрта ва олий ўқув юртларида Ўрта Осиё халқлари тарихи бузиб талқин этилди, ёлғон ва сохта ғоялар

зўр бериб тарғиб клинди.

2) Жахон олимларининг аксарияти, хусусан, соф виждонли рус олимлари хам Амир Темур шахси ва сиёсатига, унинг аклу заковати ва инсоний фазклатларига холисона бахо бердилар, тарихий хақиқатдан кўз юмаолмадилар. Улуғ мутафаккир ва донишмадлар кўп марта таъкидлаганларидек, тарихий хақиқатни синдириш, уни махв этиш асло мумкин эмас, унинг эртами-кечми руёбга чиқиши мукаррардир.

Миллий истиклол шарофати билан тарихий хақиқатлар, жумладан, буюк сохибқирон Амир Темур хақидаги бутун хақиқат рўёбга чиқмоқда. Ўзбекистан Республикасининг Президенти» И.А.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48-сессияси минбаридан туриб ана шу тарихий хақиқатни Ер куррасининг барча халқларига баралла айтди: «Самаркандни ўз давлатининг пойтахти қилган буюк Темур олимларга, файласуфларга, меъморларга, шоирлар ва машшоқларга хомийлик қилиши билан шухрат қозонган эди».

3) Амир Темурнинг шахси, унинг тарихдаги роли хақида илмий тасаввурлар хосил қилишда жахонга машхур олим ва тарихчиларнинг асарлари, фикр ва мулохазалари, жумладан, Низомиддин Жомий, Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий, Фосих Хавафий, Бартольд, Иброхим Мўминов ва бошқа кўплаб хорижий олимларнинг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Амир Темурга замондош бўлган ва хатто унинг саройида хизмат қилган, унинг харбий юришларида, харбий кенгаш ва мажлисларида бевосита иштирок этган улуғ алломалар буюк сохибқироннинг шахсий сифатлари, ички ва ташқи сиёсатининг мохияти, забт этилган мамлакатлар халқларига муносабати, инсонпарварлиги, илм-фан ва маърифат равнақи, раият фаровонлиги ва мамлакатнинг ободончилиги, маданият ва санъатнинг равнақи йўлидага ғамхўрлиги тўғрисидаги хотиралари, илмий-тадқиқот хулосалари Темур ва темурийлар даври хақидаги тарихий хақиқатни ойдинлаштиришда ва унинг бутун мураккабликлари билан идрок этишда катта ахамиятга эгадир.

Иброхим Мўминов ўзининг зохиран узок, аммо ботинан яқин ватандоши, буюк сохибқирон ва давлат арбоби Амир Темурнинг шахси, унинг салтанати ва темурийлар даври хақида узок йиллар илмий изланишлар олиб борган, Темурийлар ва уларнинг жахан тирихидаги ўрни ва роли тўғрисида салмоқли асарлар Яратган улкан аллома эди. Шунинг учун хам буюк Темур хақида гап кетганда беихтиёр академик Иброхим Мўминов дахосига мурожаат қилиниши асло бежиз эмасдир.

Академик Иброхим Мўминов таъкидлаганидек:

-Темур боболар юрти Моворауннахрда марказлашган давлат тузиш йўлида тинимсиз курашган ва унинг уддасадаи чиққан фотах, буюк лашкарбоши Темур бир вақтнинг ўзида душманларга офат, ўз амирларига қаттиқўл рахбар, ўз халқига падари бузруқвор эди.

-Темур давлатнинг обрўси, шарафи, манфаати соҳасида ғоят қаттиққўл эди: у бундай пайтларда уруғларини хам аямас эди. У давлат ишларида ғоят мустахам, собит ва барқарор турарди.

-Темур, тарихчилар тасвирича, ўрта асрнинг атоқли давлат арбоби ва харбий арбобларидан эди. Унинг «Тузуки Темур» -«Темур тузуклари» асарини ўқиган киши бу фикрнинг хаққонийлигига қаноат хосил қилади. Ушбу асарда Темурнинг назарияси изоҳланган. Унинг жамятга ижтимоий-сиёсий хаётга қарashi, бирлашган кудратли феодал давлатининг сиёсий ва ахлоқий принциплари ифодалангандир

-Харбий тарих Темурни ўрта асрнинг энг йирик лашкарбошларидан хисоблайди. Унинг харбий маҳорати икки йўналишда: аскарый қисмларни қайта ташкил этишда ва лашкарбоши - қомондонликда намоён бўлди.

-Темур Англия ва Франция қиролларига мурожаат қилиб, ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва савдо алоқаларини ривожлантиришга муваффақ бўлган. Бу масалада Амир Темур ўзининг дипломатик маҳоратини намоён этди: у Византия, Венеция, Генуя, Иапания - Кастилия, Франция, Англия билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мустахкамлаш фаолиятини амалга оширди. Франция ва ннглиз қиролларининг мактублари бунга далилдир.

-Бизнинг назаримизда, Темур бирлашган, мустақил, иқтисод ва маданияти тараққий этувчи давлат тарафдори бўлган...

Француз тарихчиси Ду Саэнкейо қирол Людовик XIV га, бағишлаб ёзган «Буюк Темур тарихи» (1678й.) асарида шундай деб ёзган эди:

«...Бу зот хатто Македонский ва Юлий Цезардан ҳам устунроқ бўлган. Чунки Темур улардан барча афзал жихатларни қабул қилган ҳолда йўл қуйган хатоларини четлаб ўтган. Оқибатда жаҳонгирлик ва зафар қозонишда Темур улардан ўзиб кетди»

Француз тарихчиси Л. Лянглэн ёзади:

«Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда, софдиллигни кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, или-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан. суҳбатлашиш учун, кўпинча, тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга муҳим эътибор берарди. Темур одамларни ўзига бўйсундириш қобилиятига эга эди. У ўзининг бу қобилиятини одамларни бахтли қила билиш таланти билан уйғулаштирди. Темур, унинг тарихчиларидан бири (Шарафндин)нинг, бир вақтнинг ўзида душманларга офат, ўз аскарларига қаттиққўл раҳбар, ўз халқга эса ота бўла оларди. У ўз фуқаросининг аҳоли ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирарди, негаки, у одам таний ва танлай биладиган шох эди».

Немис тарихчиси Ф. Шлоссер:

«Умрини юришларда ўтказган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб турар ва ўзининг янги давлатига қонунлар тақдим этарди. Бу қонунлар татар галалари томонидан қилинадиган ваҳшийлик, шафқатсизлик ва байронагарчиликларга хайрой қоларли даражада қарши турарди. Бизнинг фикримизча, Темурнинг давлатни бошқаришдаги донишмандлигига, унинг ахлоқий ва сиёсий принципларига, шунингдек, уни даҳо сифатида улуғловчи китобларга қатта эътибор бермас ва бўлади. Биз фақат ҳақиқий аҳволни маълум қилмоқдамиз»

Тарихчи Г. Вебер ёзган эди:

«Темур душманларга ҳаддан ташқари золим, лекин саркарда. ҳоким ва қонунчи сифатида буюк истеъдод эгаси эди. Ёлғонни ёмон кўрар, билимга муҳаббат кўйишдан маҳрум эмас эди. Унинг ҳузурида шоирлар, олимлар, машшоқлар ва мистик (суфий)лар кўп.бўлар эди...

Темур қаҳр-ғазаби билан даҳшатли эди, шундай бўлса-да, у ҳам одам сифатида, ҳам ҳоким сифатида Боязиддан устун турарди. Боязид фақат босқинчилик ҳақида ўйлар, бошқа ҳар қандай ишни назар-писанд қилмас, давлатни бошқаришни ўзининг очкўз ҳамда бузуқлиги билан машҳур бўлган бош вазири

Али пошшога топшириб қўйган, вилоятларни ғаразғўй, соткин қози ва хоқимларга бериб қўйган эди”

Таниқли олим, профессор Г. А. Грановски:

«Темур фаолиятдан хукмрон, асосан, сиёсий фикрни ахтармаслик керак... Темур ишга, амалий фаолиятга ниҳоят даражада ташна эди, лекин англаб олинган маълум бир мақсад йўқ эди”.

Машхур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг кайд этишича, Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири давлат, мамлакат ва фуқарога ғамхўрлик эди. Унинг қоидаси «Рости - друсти» эди. Хақиқат - сихат-саломатлик, хақиқат - адолат демакдир, деб тушунтирарди у.

Таниқли венгер олими ва тарихчиси Херман Вамберри ёзади: «Барлос уруғининг курағон тармоғидан Темурбекнинг майдонга чиқиши буюк ходиса бўлди. Бу шахс Овропада Тамерлан ёхуд Темурланг номи ила машхурдир. Темур болалигидан суворийлик ва мусулмончилик руҳида тарбияланиб, мўғулларни даф қилиш фикрида ўсди. Тарихчи ва маддоҳ Шарафиддинга бутунлай ишонмасак-да, Темурнинг ёшлиқдан иззатталаб бўлганини келажакдаги буюқлигига ишора деб қабул қилиш мумкин.”

Усманийлар батомом енгилдилар. Султон Боязид ўзининг харами билан бирга ғолиб туркнинг қўлига асир тушди. Темур бу шавқатли ва муҳим ғалаба билан Кичик Осиёни забт этди. Шу юришда Измирга етиб келди. Агар денгизнинг шўр сувлари тўсқинлик қилмаса, у Овропага ҳам бир зиёрат қилган бўларди.

Ўзининг ватандошлари орасида тилдан-тилга ўтиб келаётган Темур ўрта бўйли, оқбадан киши бўлиб, захматли умрини доимий жангу жадалларда ўтказганига қарамай, умрининг охириги дақиқаларига қадар гавдасининг кучини сақлай олган.

- Турк ва араб қавмидан бўлган барча жаҳонгирлар ва фотиҳлар каби темурда ҳам она-Ватанга ниҳоятда кучли тарафқашлик бор эди шунинг учун ғарбий ислом дунёсининг сиёсий марказини, шу билан бирга эндиликда ожиз бўлиб қолган ислом маъданияти асосини туркистон чўлларининг юмшоқ, тупроқларига кўчиришни ният қилган эди. Бунга таассуф билан қараш мумкин. Лекин уни жинойт деб ҳисобламаслик керак. Темурнинг шу маслағи унинг азиз ватани - Ўрта Осиё учун ниҳоятда муҳим ва узоқ давом этган самара берганини гапириб ўтиришга зарурат йўқдир.

- У доимо ва ҳар жихатдан туркларга бирикчиликни таъминлашга аҳд этди. Гарчи унинг саройи ажнабий уламолар ва хунармандлар билан тўда эса-да, мамлакатнинг расмий тили ҳар вақт туркча бўларди. Хатто мўғул, уйғур ёзуви - насронийлик, буддийлик, мажусийлик даври ўлароқ - мутаассиб мусулмонлар тарафидан жуда ёмон кўрингани холда муҳофаза этилди. Темурнинг ўзи тиниқ ва очик; турк шева билд ёзар эди. Бу ерда зикр қилинган «Тузуқат» фикримизни исбот этадир. Осиёнинг ярмини титратиб турган, тахти остида қанча шохлик хонадонларини яқсон қилган бу одам ўзининг сиёсий аҳдларини қуйидагича жуда содда иборалар билан бошлар эди: «Мен, парвардигорнинг қули темур, шуни айтаманки...». (Темурномада ўқиймиз).

- Болалиқдақ кураш ов ҳадисини олган амир темур, академик В. В. Бартольд айтганидек, валломатлик - жанговарлик руҳи тарбияланган эди. Ориятни қўлдан бериш унинг учун ўлим билан баробар эди. У кейинчалик хайратомуз шону шавқатга эришгач, ўтказган қурултойларида мудом бир нақлни такрорлар эди: эмишки, икки сайёҳ - бири араб, иккинчиси эроний беҳудуд сахрода адашиб

колишибди эроний сувни ичиб тамомлабди. Арабнинг кўзчасида бир қултум оби хаёт колибди. Офтоб тиғда эроний тамомила холдан кетибди. Ўлими муқаррар бўлиб колгач, сўнгги кучларини йиғиб, хамрохига шундай дебди: «Сен арабсан, халқингни олижаноб деб эшитганман. Агар шу гап рост бўлса, сувингни менга бер, халқингнинг олижаноблигани кўрсат». Араб бир зум у ўйга толибди-да, хуржунидан кузачани чиқариб, уни ўлим билан курашаётган хамрохига берибди ва: «Халқимнинг олижаноблиги олдида менинг ўлимим ҳеч нарса эмас, мен бу удумга шак келтирмайман, мана сув, ичақол», дебди.

Камол Хўжандий:

-Айтишларича, темур ўзи ўтказадиган {курултойларида: «зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди Жамшид, Сулаймон, Искандар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин, яхшилик қил», деб такрорлашни яхши кўрган.

Хожи Абдурашид номи билан дарвеш қиёфасида қадимий Бухорога кириб келган, кейинчалик эса Венгриянинг Пешт университетининг шарқ тиллари ва адабиёти профессори бўлиб ишлаган Херман Вамберри ўзининг «Бухоро ёхуд Моворауннаҳр тарихи» номли асарида Амир Темур хақида махсус тўхталиб, шундай деб ёзган эди; «Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги сулола (темурийлар сулоласи)ни ва балким кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятнинг янги даврини бошлаб берди. Бундан ташқари, Темур ўзининг издошларига панд-насихат ва қўлланма тарзида ёзиб қолдирган «Қонунлар» («Темур тузуклари») муаллифи сифатида Ўрта Осиёда кенг танилди»

Амир Темурнинг ақл-заковатига мансуб бўлган бу тарихий асар жаҳоннинг жуда кўплаб мамлакатлари халқлари тилига таржима қилинган ва кўп нусхаларда нашр қилинган бўлиб, катта шухрат қозонди. Ўрта Осиё заминида дунёга келган бу асар, тақдирнинг аччиқ кинояси билан, ўз юртида узок вақтларгача кадр-қиммат топа олмади. Ниҳоят, миллий истақлолнинг нодир инъоми сифатида ўз халқининг энг қимматли мулкига айланди.

Танқли тарихчи, академик Бўриной Аҳмедовнинг тадқиқотларига қараганда, «Темур тузуклари» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда жаҳон тарихидаги машҳур, фотих, саркарда ва истеъдоди давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг етти ёшидан (1342) то вафотига қадар (1405 йил 2 февраль) бўлган фаолияти, бошқача, қилиб айтганда, унинг Моворауннаҳрда марказлашган давлат тузиши Эрон, Афғонистон ва араб мамлакатларини ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда хукмдори Тўхтамишхон (1376-1395)га, турк султони Боязид Йилдирим (1389-1402)га қарашли ҳамда Озарбайжон, Грузия ва Хиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам ва сермазмун баён этилган.

Иккинчи қисм жаҳонгирнинг номидан айтилган ва унинг тахт ворисларига бағишланга ўзига хос вазият ва панд-насихатлардан иборатдир. Унда давлатни идора этишнинг асосий шартлари, салтантда қандай кишиларга таяниш лозимлиги, тож-тахт эгаларининг иш тартиблари ва вазифалари, уларнинг мамлакат аҳолиси ва турли табақаларга муносабатлари, вазир ва қўшин бошлиқларини тайинлаш, олиму уламоларга муносабат, саркарда ва сипохийларнинг маоши, мамлакатни бошқариш тартиблари, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар амалдорларнинг давлат олдидаги хизматларини тақдирлаш сингари ижтимоий-сиёсий масалар хусусида гап боради.

Бинобарин, «Темур тузуклар»нинг иккинчи қисми Амир Темурнинг сиёсий қарашлари, унинг хукмдор сифатидаги фаолияти даврида Мовароуннаҳрнинг

ижтимоий-сиёсий ахволи, соҳибқироннинг давлатни бошқариш тизимлари, ички ва ташқи сиёсатнинг моҳияти ҳақида тўлиқ тасаввурлар беради. Асарда баён этилган фикрларни талқин қилишда Амир Темур саройининг тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида берилган шарҳлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Амир Темур мамлакатни идора этишда энг аввало диёнат, адолат, тадбиркорлик, хушёрлик ва қаттиққўллик сингари сифатларга эга бўлишни зарур деб ҳисоблади. Хукмрон бу хислатларга олим ва уламоларнинг, соф ниятли мард кишиларнинг маслаҳати, кенгаши, ўзининг эса тадбиркорлиги ва хушёрлиги билан эришиши мумкин. У. салтанат ишларида тўрта нарсага: 1. Кенгаш, 2, Машварат (маслаҳат), 3. Катъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик; 4. Эҳтаёткорликка таянишни маслаҳат берди. Шундай экан, деб насихат қилади улуғ соҳибқирон, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юритиш, токи охир-окибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмайсан. Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мард ва шижоат соҳиби, азми қатий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. («Темур тузуклари» Т. 1991. 14-15 бетлар). У ақли расо ва хушёр кишилардан тадбир сўраб, уларнинг фикрини билишга чақирди.

Амир Темурнинг ички ва ташқи сиёсати ва унинг ҳарбий юришларига бағашланган кўплаб тарихий асарларда жаҳонгирнинг давлат сиёсатини торитишда олам ва донишмандлар фикрига суянганлиги қайд этилади.

Академик И.Мўминовнинг таъкидлашича, Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, география, тарих, фалсафа, адабиёт сингари фан намоёндалари, шунингдек, илоҳиёт ва сўфизмнинг машҳур кишилари билан яқиндан мулоқотда бўлган. Соҳибқироннинг кенгаамров-ли билимга эга бўлганлиги кўплаб илмий, тарихий ва бадиий адабиётларда, хусусан, Ибн Арабшоҳ., Шарофиддин Али Яздий, Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур асарларида кўп марта қайд этилгандир. Бинобарин, Амир Темурнинг давлатни идора этиш, ҳарбий юришларга тайёргарлик кўриш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда илм-фая ва дин арбобларининг фикр-мулоҳазаларига таянганлиги шубҳасиздир. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришнча, Амир Темур бирон-бир муҳим масалани ҳал этишдан олдин шу соҳа олимлари билан маслаҳатлашар, масаланинг ижобий ва салбий оқибатларни чамалаб кўрар ва шундан кейингина катъий ҳулосага келар, уни зудлик билан амалга оширар эди. «Фан ва диннинг машҳур кншилари уз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам беряб кедганлар, - деган эди у олимлар ва дин арбобларя билан булган бяр кенгашда. -Сизлар эеа менга нисбатан бундай фшмаяпсизлар. Менинг максаднм мамлакатда-адолат урнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фукарояннг турмушини яхшилаш, юртимиз ободончилигини кучайтириш, давлатимизни ривожлактиришдир. Сизлар менга маслаҳатларингиз билан бу ишларни амалга оширишда кўмак беришингиз керак». «Қайси киши ақлга сиғган ишки куюниб гапирса, суюб эшитар эдим, - дейди у. - Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ, солар эдим. Хар кишидан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим».

Амир Темурнинг давлатни бошқариш борасида амалга оширган тадбирлари, давлат идораларининг тузилиши, сиёсий муассасаларнинг бир-бирига муносабати, ҳукмдорларнинг салтанат масалаларини ҳал этишдаги роли сингари масалалар ҳамиша тадқиқотчилар эътиборини тортиб келган.

Амир Темурнинг тузукларида илгари сурилган ғоялар, соҳибқироннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга бўлган қарашлари, у

барпо этган қудратли империянинг сиёсий ва ахлоқий принциплари жаҳоннинг кўплаб сиёсий арбоблари учун дастурул амал вазифасини бажариб келди.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темурга хос муҳим хусусит давлат мулки ва фуқаро ҳақида ғамхўрлик қилиш эди. Амир Темур давлат асосини ўн икки тоифа ташкил этишгани, улардан ҳар бирининг ўз ўрни ва хизмати мавжудлигини кўрсатди. Ана шу ижтимоий тоифаларга таяниб, давлатнинг мартабали тузуқларини яратганлигини таъкидлади. Булар: 1) сайидлар (пайғамбар авлодлари), уламо, машойих., фозил кишилар; 2) донишманд ва ишбилармон, тадбиркор кишилар; 3) ҳудожўй ва таркидунё қилган кишилар; 4) нуёнлар (минг кишилиқ қўшин, туман бошлиғи, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар; 5) сипохи ва раият (солиқ тўловчи авом халқ); 6) махсус ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳакимлар (файласуф, донишманд кишилар), табиблар, мунажжимлар, муҳандислар; 9) тафсир ва ходис олимлари; 10) суфийлар, машойихлар, худони таниган орифлар; 11) касб - ҳунар эгалари 12) савдогар ва сайёҳлар.

Амир Темур юкорида тилга олинган ижтимоий гуруҳларнинг ҳар бири билан ўзига хос муносабат ва алоқа ўрнатган. Ижтимоий гуруҳларнинг ўрни ва вазифаларини аниқ белгилаган уларнинг имкониятлари ва маҳораторатларини инобатга олиб ҳолда сиёсат юритган. Ана шу ҳолатлар соҳибқироннинг сиёсий маҳоратидан далолат беради.

Амир Темурнинг сиёсий эътиқодига кўра мамлакат тақдирини подшо, ҳазина ва аскар ҳал этади. У аҳолининг турли тоифаларига турлича восита ва усуллар билан таъсир кўрсатган. Чунончи, раият (оддий авом халқ)ни умид ва кўрқив оралиғида ушлаган. Ҳолбуки, бу аҳолининг энг кўп қисмини ташкил этган. Турли ижтимоий тоифалар ўртасида муросаи мадора сиёсатини ўтказган. Уларга бир хил кўз билан қараган, уларнинг таъминоти ҳақида ўз вақтида ғамхўрлик қилган, уларни яхши хизмати ва садоқати учун муносиб тақдирлаган.

Иккинчи тоифага кирувчиларни, яъни ақлли кишилар ва кенгаш соҳибларини, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва олисни кўзлаб иш юритувчи, кекса ва тажрибали қишинларни хос мажлисга таклиф этиб, уларнинг суҳбатлари ва мажлисларидан наф олиб; тажриба ҳосил қилган. Олимлар, ҳокимлар, мунажжим ва муҳандислар билан ҳамкорликда беморларни даволаш, сайёраларнинг қутлуғ ва ҳосиятсиз кунларини аниқлаш, мухташам иншоотлар, боғу роғлар барпо этиш ишларини бажарган. Касбу ҳунар эгалари билан бамаслаҳат қўшин учун керакли қурол-яроғ ва асбоб-анжомлар ҳозирлаган. Савдогар ва сайёҳлар ёрдамида мамлакатда савдо-сотикни ривожлантиришга, бошқа мамлакатлар билан алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилган.

“Темур тузуқлари» соҳибқироннинг зийрак ва хушёр сиёсатчи, моҳир давлат арбоби бўлганлигидан далолат беради: «...ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларнию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турадилар. Ҳар бир -мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва қарвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Хитой, Хўтан, Чину Мочин, Хиндистон, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон ерларининг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳолу ахволи, юриш-туришлари ҳақида менга хабар келтиришсин. Ҳар бир мамлакат ҳуқумдорларининг ўз раиятига қандай муомала - муносабатда эканлигини аниқласинлар» («Темур тузуқлари», 63-67 бетлар).

Темур давлатни мустахкамлаш, уни «ички ва ташқи душманлардан муҳофаза этиш зарурлигини бирон дақиқа ҳам унутмаган. Унинг давлат қурилиш назарияси ғоят пухта ва асосли бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг соҳаларини қамраб олган Масалан, бешинчи тоифадаги кишиларни алоҳида ажратиб уларни ақлли, тажрибали, энг ишончли кишилар, деб кўрсатди, салтанат ишларидаги сирларни уларга айтиш ва улар билан кенгашиш мумкин, деб кўрсатди. Сохибқироннинг ўзи улар билан яқин мулоқада бўлиб, уларга махфий давлат ишларини тошпиради.

Харбий қўшин тузиш, уни бошқариш, турли харбий мартабалар жория этиш, уларнинг маошини белгилаш, улкан империяни улуслар асосида ифода қилиш тўғрисидаги ғоялари эътиборга лойикдир. Маълумки, улусларга темурзодалар ҳоким этиб тайинланган. Улус ҳокимлари марказий ҳукуматга итоат этсалар ҳам, маълум даражада мустақилликка эга бўлганлар. Улус ҳукмдорларининг алсоида давлат аппарати, мустақил харбий қўшини бўлган. Уларнинг марказга тобелиги ўз вақтида хирож тўлаб туришларида, харбий юришларда иштирок этишларида яққол кўринган.

Давлатни бошқаришда вазирлар амирлар ва валийлар фаолиятига катта аҳамият берилган. Вазирлар тизими ва уларнинг вазифалари белгиланган, бирон бир ижтимоий тоифанинг ҳаёти эътибордан четда қолмаган. Бу эса жамиятнинг турли томонларини бутун ва яхлит ҳолда бошқаришга имкон берган. Темур давлатида етти вазир фаолият кўрсатган. Булар: 1) мамлакат ва раият ишлари бўйича вазир (бош вазир), 2) вазир - сипох, яъни харбий ишлар бўйича вазир, 3) эгасиз қолган мол — мулкларни тасарруф этиш ишлари вазири; 4) салтанатнинг қирим-чиким ишларини бошқарувчи вазир, яъни молия ишлари вазири; 5, 6, 7) сарҳад (чегара) вилоятларининг ишларини назорат қилиб турувчи вазирлар. «Вазирлар - салтанат устунларидир... (улар) мамлакат ободончилигини, раиятнинг тинчлигини, сипохларнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдилар. Салтанатга зарарли нарсаларни қайтаришда молу жонларини аямайдилар». («Темур тузуклари», 85- бет). .

Амирлар мансаб даражасининг жорий этилиши, вилоят ҳокимларининг вазифалари, мамлакатда солиқ тартиби, уни ундириш ва саланат хазинасига келтириш ишларининг пухта йўлга қўйилганлиги ҳам Темур давлат тузумининг нақадар мукамал ташкил этганлигидан далолат беради. Айниқса, Темур тузган харбий қўшин ўзининг стратегик ва тахтик маҳорати билан ўша даврнинг энг мукамал ва кучли қўшинларидан ҳисобланган, унинг ташкилотчиси эса тажрибали, мохир саркарда сифатида шуҳрат қозонган. Тузукларда харбий қўшиннинг тузилиши, қуролланиши, харбий санъати, жанг олдида сафга тизилиши ҳақида қиматли маълумотлар берилган.

Асарда Амир Темурнинг подшо сифатидаги фаолияти, харбий юришлари, давлат ишларига, қонунларнинг бажарилишига бўлган муносабатини ёритувчи муҳим фактлар ўрин олган. Уларни кўздан кечирар эканмиз, сохибқирон Темурдек матонатга эга бўлган, сўз билан иши бир, қатъий, собитқадам ва қаттиқўл сиёсий арбоблар тарихда камдан-кам учрашига, Амир Темурнинг мамлакат ва салтанат манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган, фуқароларига ғамхўр, инсонпарвар, адолатпарвар, довжур ва мард саркарда, донишмад сиёсатчи бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Сохибқирон ёзади. “Ушбу ўн икки нарсани

Ўзимга шиор қилиб олганлигим учун тўла мустақиллик билан салтанат тахтига ўтирдим: 1) подшоҳ ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи билиб қилсин, яъни раият подшоҳнинг сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким бунга аралашмайди, деб билсин: 2) султон ҳар нарсасин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин: 3) бутун мамлакатда буйруқ-фармон ишлари подшоҳнинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин: 4) подшоҳ қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан то уни битирмагунча ундан қўл тортмасин: 5) подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор, яъни қанда ҳукм чиқарилишидан қатъий назар у амалга оширилиши лозим: 6) подшоҳлик ишларини тамомила бошқага топшириш, эркини унга бериб қўймасинким, дунё хиёкатчи хотин сингари унинг хуштори кўпдир; 7) салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳаркимданр фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин; 8) салтанат ишларида сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилсин... бутун ҳақиқат аён бўлмагунча шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин; 9) подшоҳ хайбати сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган булиши керакки, унинг амрфармонига ҳеч ким қаршилиқ қилишга журъат эта олмасин, итоат ва тобелик қилиб, исён кўтармасин; 10) (подшоҳ) нима қилса, ўз эркича қилсин, нима деса ўз сўзида қатъий турсин... Хазина, лашкар, раият салтанат-буларнинг бари унинг ҳукми биландир: 11) салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин: 12) (Подшоҳ) мажлис ахлидан огоҳ ва хушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. (Темур тузуклари 68-бет)

Англашиладики, Амир Темур ўз васиятлари ва панду –насихатларида подшоҳ шахсига, унинг салтанатига, сиёсий фаолиятиги дахлдор бўлган ахлоқий, сиёсий ва психологик ҳолатларни кўрсатиб берган. Унинг куп йиллик тажрибасида бу хикматлар саналган ва тасдиқланганлиги алоҳида қайд этилди.

Феодализм даврида мутлақ ҳукумдорликнинг ўрнатилиши табиий ва зарурий ҳол бўлган. Ўша давр талабларидан келиб чиқиб, подшоҳларнинг ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда қандай тадбир ва чоралардан, усул ва принциплардан фойдаланиши зарурлиги қисқа ва лўнда қилиб баён этилган. Темурнинг бундай фикрлари давлат тузилиши, уни идора этиш масалаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Амир Темур жамият ва давлатни бошқариш қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан бирга ижтимоий-сиёсий фаолиятида уларга тўла амал ҳам қилган. Салтанатни идора этишда, ижтимоий тоифаларига бўлган муносабатда, подшоҳлик вазифасини бажаришда ва кўп ҳолларда Амир Темур юқоридаги тилга олинган ўн икки қоидага амал қилганини кўрамиз. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунончи, ана шу ўн икки қоида давлатни идора этишнинг асосий йўналишларини қамраб олган эди. Асарнинг иккинчи қисми Амир Темурнинг ўз сиёсий фаолиятида қатъий роия қилган ўн икки қоидани шарҳлашга ба-ишлангандир. «Мамлакатларни фотих этувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этивчи кудратли набираларимга маълум бўлсинким, тангри таоло даргоҳидан умидим шулким, кўплаб фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи кудратои набираларимга маълум бўлсинким, тангри таоло даргоҳида умидим шулким, кўплаб фарзандларим, авлодларим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи

мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлмай. Улар ҳам ушбу тузукки амал қилсалар, давлатусалтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар.

Биринчи- давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим – тангри таолонинг дини ва Мухаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Хар ерда хар вақт ислом динини қувватладим.

Иккинчиси шулким, ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим.

Учунчиси шулки, маслаҳат, кенгаш, тадбирлик, фаоллик ва хушёрлик, эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсиндирдим.

Тўртинчиси – давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим.

Бешинчиси – амирларим ва сипохийларимни мартаба ва унвонлари, зару зеварлар билан хушнуд этдим. Амирлар, сипохсоллар ва хушёрлик-эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамбаходирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таянаб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шов, миср, Ироқи араб ва Ироқи ажам, Мозандарон, Ғилонот, Ширзонот, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти жете, Дашти қипчоқ, Хоразм, Қобулистон, Бохтарзамин, Хиндистонга подшоҳ бўлиб ҳукм сурдим.

Олтинчиси – адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипохийларга инъомлар улашдим.

Еттинчиси – саййидлар, уламою машойих, оқилу донолар, маҳандислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим.

Саккизинчиси – азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қасд қилган бўлсам, бутун зехним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Хар неки деган бўлсам, унга амл қилдим.

Тўққизинчиси – раият ахволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўринида қўрдим. Хар бир диёр аҳолисининг ахволидан огоҳ бўлиб турдим.

Ўнинчиси – турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим. Яхшиларига яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим.

Ўн биринчиси – фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшинлар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлатту неъмат мартабасига эришганимда унутмадим (молу мурк ва нақд пул билан), ҳақларини адо этдим. Ўз фарзандларим, кавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим.

Ўн иккинчиси – дўст-душманлигига қарамай, хар жойда сипохийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фаний дунё моли учун сотадилар 27 (“Темур тузуклари” 53-56 бетлар).

Юқорида келтирилган панду насихатлар давомида Амир Темур ўз ворисларига мурожат қилиб, салтанатни бошқаришда қоидаларга, қонунларга,

расм, тартиб, усул, одоб ва анъаналарга риоя қилишга чақиради ва шундай, дейди: “Яна тажрибамдан билдимки, давлат агар дину ойин (қоида) асосида тузилмас экан, тура-тузукка (қонун-қоидаларга) боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ухшайди, уни кўрган хар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд қасу нокас тап тортмай кириб чиқадиган эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тура ва тузук асосида мустахкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган хар қандай воқеа ва ишни тура ва тузук асосида бажардим (“Темур тузуклари” 57-бет.)

Юқоридаги фикрлардан аён бўлдики, темур ўз сиёсатини ислом динининг мутахкам мафкураси асосида қурган. У ислом динини улуғлаган, шариат қонунларига тўла риоя қилган. диний масалалар билан боғлиқ ишларни хамиша дунёвий ишлардан юқори қўйиб келган бўлсак ҳам харбий қўшинни бошқаришда ва иштимой-сиёсий фаолиятда такрорланмас ўзига хослик ва буюклик мавжуд эди. Амир Темур юксак инсоний фазилатларга эга бўлган тарихий шахс ўз замонасининг атоқли давлат арбоби ва тенги йўқ мохир саркарда эди. У барпо этган давлат уч запардас ва доно негизга диёнат адолат ва қаттиқ қўллик билан амалга оширилган сиёсатга асосланган эди. Шу бойисдан ҳам Амир Темур давлати куп асрлар мобайнида ўз қудрати билан дунёни хайратга солган. Унинг тузуклари ўз даврида ҳам, хатто хозир ҳам мухим тарихий иштимой – сиёсий ва ҳуқуқий дастур мухим илмий манба бўлиб қолмоқда.

Темур Моварауннахрни илм фан ва маъданият марказига айлантирди. Ичи сёсатда фуқороларга раҳм шавқат билан муносабатда бўлиб адолатли сиёсат юритди. Унинг салтанатида дехқончилик чорвачилик, хунармандчилик савдосотиқ равнақ топди. Янги шаҳарлар қад кўтарди. Уришлар оқибатида вайрон бўлган Боғдод, Дамашқ сингари шаҳарлар янгидан тикланди. Боғу-роғлар сув иншоатлари қурилди. Мадраса, масжит, хаммом ва қарвонсаройлар қурилишига алоҳида этибор берилди.

И. А. Каримов Амир Темурни жамият тарихий тараққиётидаги тутган ўрни ва ролига баҳо бериб шундай деди: “Амир Темур давлат қурилиши харбий санат куп асрлар давомида Шарку Ғарб давлатларига ўрнат ва андоза бўлди. Унинг замонида маъданият илму-фан меъморчилик таъсвирий саънат мусиқа шеърят бекиёс ривож топди. Халқимизнинг кўп анъаналари такомиллига етди. Амир Темур маъданият ва дин ахлига кўрғазган чексиз меҳр мурувати айниқса ибратлидир” (И.А.Каримов “Биздан Озод ва Обод ватан қолсин”).

Амир Темур олиб борган сиёсати ҳеч шубҳасиз жаҳон сиёсатида кучли тасир кўрсатди. Кўп асрлик Мўғиллар истиподдининг сўнги ўчоғи бўлган Олтин Ўрданинг тугатилиши унга ёрқин мисол бўла олади. Темур жаҳон тарихидаги ўрни ролига тўғри ва адолатли баҳо берган. Таниқли рус тарихчиси А.Ю Якубовский Амир Темурнинг бу ғалабасини қуйидагича баҳолаган эди: “Тўхтамиш қўшининг терак дарёси бўйида тор-мор этиши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди. Шундан кейин у ўзини ўнглаб олмади. Қадимги русга қанчадан қанча жабр зулум ўтказган давлат жуда тез заифлашганди. Бу кураш натижасида Темур Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан балик объектив равишда рус учун жуда катта хизмат қилди”: А. Ю Якубовскийнинг тақидлашича Темурнинг турк султони Боязид Йилдиримга қарши олиб борган урушлари ва ғалабаси ҳам Овропа халқлари учун катта ахамиятга эга бўлган. Темур уларни халокатдан сақлаб қолган. 1402 йилда Анқара ёнида Темур иккинчи марта Боязид билан жанг қилди деб ёзди таниқли

тарихчи – бу жанг ўша даврдаги энг катта жанглардан бўлган эди. Анкара ёнида бўлган бу жангда Усмон Султонни қўшинлари билан батамон тор-мор этилди ва Боязид аср олинди. Бу ғалаба фақат Осиё тарихи учун ахамиятли бўлиб қолмади. Темур ўзининг бу ғалабаси билан Овropa халқларига иккинчи марта хизмат қилди.”

Шуни ҳам такидлаш жоизки Амир Темур ўз замондошларига нисбатан бир неча аср илгарилаб кетган буюк сиёсий арбоб улуғ саркарда одил давлат арбоби маърифат ва маъданият хомийси бўлса ҳам ўз даврининг фарзанди жахоннинг катта қисмини запт этган фотқ чекланмаган сиёсий хокимиятга эга бўлган.

Унинг сиёсий қарашлари жорий этган қонун ва тартибларида бу ҳолатлар ўз аксини топган. У академик Иброхим Мўминов такидлаганидек бирлашган мустакил фаровон ва маъданиятли давлат тарафдори бўлган феодал асилзодалар маърифатларини химоя қилган “Темур тузиклари” феодал жамияти шароитида битилган асарлар сингари ҳукумрон синфнинг мақсад ва интилишларини акс эттирган ўша синф дунё қарашларини ифода этган. Яхши мақсадлар йўлида олиб борган урушлар ҳам меҳнаткаш халқ бошига чексиз азоб укубатлар ва жабру зулумлар етказди. Темур тинчликни сақлаш ҳақида қайгурганида мамлакатдаги ички ахволни назарда тутган ташқи давлатларга эса ўзини рақиби сифатида қараган.

Ўрта асрларнинг ҳар қандай ҳукумдори сингари Амир Темур ҳам ўзига бўйсинмага эрқпарвар ўз ватанининг озодлиги учун курашган халқларга нисбатан ўта шавкатсизлик ва адолатсизлик қилган. Шарофиддин Али Яздӣ сингари тарихчилар Амир Темурни соҳибқирон (Буюк бахт эгаси) Хумоюн турк давлатининг кудратли қуёши он хазрат (улуғвор шох) деб кўқларга кўтаришганлар. Унинг фақат одил ва инсонпарвар подшоҳ сифатида тасвирлаганлар. Амир Темур шахсини бир томонлама идяллаштиришига академик Иброхим Мўминов ҳам этирос билдирган эди. Зеро буюк тарихий шахсларни уларни вояга етказган конкрет тарихий шароитдан ажратиб бўлмайди айниқса уларни тарихидаги ўрин ва ролия бугунги кун мезонлари билан баҳо бериш хато ва зарарлидир.

Шубҳасиз Амир Темур иштимой-сиёсий фаолияти Ўрта Осиё халқлари тарихида унинг истикболи давлатчилик илм фан ва маъданиятининг бундан кейинги ривожланишида катта рол ўйнаган. Амир Темурнинг иштимой- сиёсий фаолиятига объектив илмий баҳо берган академик Иброхим Мўминов Ўрта Осиё марказлашган кудратли империянинг вижудга келишини объектив тарихий шарт шароитлари ва сабабларини курсатиб шундай деб ёзган эди. Темурнинг Ўрта Осиёда Моварауннахрнинг ҳозирги қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳри янгидаги Хужаилгор қишлоғида Барлос белги Тарағай оиласида дунёга келиши соф тасодифит албатта лекин бундай шахснинг дунёга келиши даврнинг замоннинг тақазоси. Чиғатой улусининг зулими майда фиодал бекларнинг ваҳшиона эзилиши Мўғул хонлари Олтин Ўрда бекларининг Моварауннахрдаги бекларини тўхтовсиз босқинчилик юришларидан азобланган хона вайрон бўлган 150 йил давомида чет эл ҳукумдоларидан тинкаси қуриган мамлакатнинг халқнинг мустакилликга эриши давр талаби эди. Бу тарихий зарурият Темурда унинг лашкарбошиларида равшан кўринди. Темур давлат арбоби сифатида маълум даражада бу эҳтиёжни талабни заруриятни теран англади. Яъни Моварауннахрда мустакил марказий бирлашган давлат тузди. Мамлакат эҳтиёжларига жавоб берди. Мулкдор синфлар йирик ер эгалари савдогарлар қарвон сарой эгалари ҳамда маълум маънода ва маълум даражада умуман аҳоли талабларига пешвоз чиқди. Мамлакатнинг кўп жойларида

қурилишлар қилдирди. Камида юз йигирма йил давомида нисбий осойишталик ўрнатди. Бу шубхасиз мамлакатда иқтисод ва маъданият фан ва адабиёт ҳамда саънатнинг ўсишида муҳим омил бўлди. Темур Ўрта Осиё тарихидаги хизмати бизгача ана шулардан иборатдир. Академир Иброҳим Мўминов сўзини “қурилиш ва маъданиятнинг қадрига етган Темурни Ўрта Осиё халқлари хурмат қиладилар. Унинг Самарқанддаги мақбарасини авайлаб асраб келмоқдалар. Шундай вақт келадик, Амир Темур ҳам кукларга кўтарилиб буюк сиймо сифатида қадирлайдилар” деб яқунлаган эди. Бу сўзлар 1968 йили Ўзбекистон фанлар академияси раёсатининг кенгайтирилган йиғилишида айтилган эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган бугунги кунда улуғ аллома Иброҳим Мўминов башоратлари рўёбга чиқяпти. Адолат халоскорлик ва мустақиллик рамзи сифатида Ўзбекистон пойтахтининг марказий майдонида бутун салобати билан қад рослаган буюк соҳибқирон Амир Темурнинг улуғвор рух ватан узра чарх уриб хозирги авлодни эзгу ишларга ундаяпти.